ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТТИРИБ, ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ ЧИҚИШИ № 161 (5254).

17 АВГУСТ ШАНБА 1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

МЎЛ ҲОСИЛ ИШТИЁҚИДА

Бу аёлни Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози меҳнаткашлари яхши танийдилар, у билан фахрланадилар. Ўртоқ Худойбердиева бундай иззат-икромга ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги орқали эришди.

Бригада бошлиғининг бу йилги режаси ҳам улкан. Ҳар гектар майдондан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириб, Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейини муносиб кутиб олмоқчи. Далаларда етиштирилган мўл ҳосил шижоатли бригадирнинг ўз сўзи устидан чиқишидан далолат бериб турибди.

Суратда: ўртоқ Ш. Худойбердиева.

А. Абалян фотоси.

ОБЛАСТЬ САБЗАВОТКОРЛАРИ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ БАРЧА КОЛХОЗЧИЛАРГА, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Партия XXIV съезднинг ва КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленуми тарихий қарорларининг қудратли таъсири остида бутун совет халқи тўқкизинчи беш йиллик тўртинчи, белгиловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун қатъият билан қураш олиб бормоқда.

1974 йил бизнинг республикамиз учун алоҳида йилдир. Бу йил Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг олтин юбилейи нишонланадиган йилдир.

Барча қардош республикаларнинг халқлари коммунизм қурувчиларининг ягона, монолит оиласига бирлашиб, Ўзбекистон меҳнаткашларининг амалий ишларига, уларнинг республика халқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида амалга ошираётган ишларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бу қардошларча ёрдам саноат ва қишлоқ хўжалик жиҳозлари, тракторлар, автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар ва гербицидлар етказиб беришда ўз ифодасини топмоқда.

Юбилей арафасида бутун республикада социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди. Бунда миллионлаб ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар иштирок этмоқдалар. Цехларда ва қурилиш майдонларида, конларда ва шахталарда, далаларда ва фермаларда, лабораторияларда — ҳамма жойда кишилар мусобақалашиб меҳнат қилмоқдалар, юбилей йилида ҳар қачонгидан яхшироқ, унумлироқ меҳнат қилишга интилмоқдалар.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари юбилей йилида социалистик мусобақага актив қўшилиб, давлатга 420 минг тонна пахта сотишга ва шундан 75 процентини машиналар билан териб олишга, 340 минг тонна сабзавот, 52,6 минг тонна картошка, 26,2 минг тонна гўшт, 88,2 минг тонна сут ва бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотишга қарор қилдилар.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта ғайрат билан муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар.

Пахтакорлар оби-ҳаво ноқулайликларини ва сув танқислигини бартараф қилиб, юқори ҳосил тўплаш учун сабот-матонат билан кураш олиб бораяптилар.

Колхоз ва совхозларнинг чорвадорлари ўтган йилги муваффақиятларни мустаҳкамлаб, чорва моллар сонини оширишга, унинг маҳсулдорлигини кўпайтиришга эришдилар, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича етти ойлик қалқ хўжалик планлари анчагина ошириб бажарилди.

Сабзавоткорлар, боғбонлар ва сохибкорлар маҳсулот етиштириш ва тайёрлаш суръатини кун сайин ошириб бормоқдалар. Сабзавот ва мева тайёрлаш бўйича областимиз ўтган йили шу вақтдаги даражадан анчагина олдинда бормоқда.

Бизлар, область сабзавоткорлари кенгаши қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг аҳолини бутун йил давомида янги сабзавот, картошка, мева ва узум билан таъминлаш тўғрисидаги қарорида қўйилган вазифаларни ҳар томонлама муҳокама қилиб, сизларга пойтахт областининг сабзавоткорлари, боғбонлари ва сохибкорлари юбилей йили социалистик мажбуриятларини ошириб бажаришда муносиб ҳиссаларингизни қўшингиз, деб мурожаат қиламиз.

Областимизда шундай хўжаликлар борки, уларга тенглашиш учун харакат қилсак, улардан ибрат олсак арзийди. Калинин районидаги Ленин номли, «Ленин йўли», «Москва», Ильич номли, Оҳунбобоев номли колхозлар, «Бузсув» совхози, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз, Қуйи Чирчиқ районидаги «Огонек» совхози, жуда кўп бригадалар ва бўлимлар шу кунларда бош йиллик план топшириқларини бажарганликлари тўғрисида она-Ватанга рапорт бермоқдалар.

Социалистик мусобақа туфайли жуда кўплаб юқори ҳосил усталари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моҳир ташкилотчилари етишиб чиқди. Биз ҳозир Калинин районидаги «Ленин йўли» колхозидан Худойназар Умаровнинг номини, «Москва» колхозидан Сиддиқ Маҳмудов, Карл Маркс номли колхоздан Файзи Миръазамов, «Қорасув» совхозидан Абдураҳим Шерматов, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоздан Сарибой Ибраев, «Дўрман» совхозидан Маҳриддин Солиев, Абдували Беспкбоев, Арслон Бойнағасов, «Огонек» совхозидан Байрам Исмонлов, «Қибрай» совхозидан Сейдамет Белялов ва Эркин Сулаймоновлар номини яхши биламиз. Улар раҳбарлик қилаётган бригадалар йил сайин ҳар гектар ердан 250—300 центнердан ошириб сабзавот ва 200—220 центнердан мева йиғиб олмоқдалар.

Бу илғор хўжалик ва бригадаларнинг тажрибалари синчиклаб ва диққат билан ўрганишни ва кенг ёйишни тақоза қилади.

Бу йил барча далаларда, боғларда ва узумзорларда мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир ҳам ҳосил тўплаш учун катта кураш давом этмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозир етиштирилган ҳосилни йиғиб олиш суръатини ошириш билан бирга кечки сабзавот ва картошка экиларини парвариш қилишни кучайтириш, сувлардан самарали фойдаланиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш керак.

Ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси ва механизатор ҳосилни йиғиб олиш ва ҳосил тўплашда актив иштирок этиши керак.

Ишнинг муваффақиятли бориши учун барча кучларни сафарбар қилиш, хўжаликка раҳбарликни яхшилаш, юқори унумли меҳнат қилиш, интизом ва уюшқоқликни пухта йўлга қўйиш лозим. Бирор иш куни ҳам, бирор иш соати ҳам бекор ўтмасин.

Сабзавоткорлар, боғбонлар ва сохибкорларнинг асосий бурчи етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай йиғиб олишдан иборат.

Бизнинг шонли механизаторларимиз биз сизларга мурожаат қиламиз. Сабзавотчиликда ва боғдорчиликда комплекс механизацияни жорий қилиш учун курашингиз! Бу соҳада ҳали фойдаланилмаётган резервларимиз кўп. Илғорларнинг тажрибасидан дадил фойдаланингиз, барча дала ишларида, янги, юқори унумли техникани кенг қўлланингиз.

Тайёрлаш ва савдо ташкилотларининг ходимлари, биз сизларга мурожаат қиламиз. Маҳсулотни узлуксиз қабул қилишни таъмин этингиз, уларни аҳолига янгилигида ва керакли ассортиментда етказиб берингиз. Қиш учун сифатли ва кўп миқдорда маҳсулот жамғариб қўйингиз.

Консерва ва виночилик саноати ходимлари, биз сизларга мурожаат қиламиз. Етиштирилган мўл сабзавот ва мевани ўз вақтида қабул қилиш сизларнинг вазифангиздир.

Биз қурувчиларни, хўжаликларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарларини теплицалар, сабзавот, картошка ва мева сақлаш омборлари қурилишини тезлаштиришга чақирамиз. Тошкент шаҳрининг ва бошқа саноат марказларининг аҳолиси бутун йил давомида етарли миқдорда янги сабзавот ва мева билан таъмин этилсин.

Биз олимлардан, конструкторлардан ва мутахассислардан янги, юқори ҳосилли, тезпишар сабзавот навлари яратишни, сабзавот, картошка, мева, узум етиштиришни комплекс механизациялаш учун юқори унумли машиналар яратишларини истардик.

Сув хўжалиги ходимлари биз сизларни янги ерларни ўзлаштиришни тезлаштириш, уларни сув таъминотини яхшилаш, сув хўжалиги объектларини тезроқ ишга туширишга чақирамиз.

Хўжаликларнинг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига катта вазифалар тушади. Улар қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-маиший турмуши ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилишлари, далаларда иссиқ овқат ташкил қилишлари, савдо ва медицина хизматини яхши йўлга қўйишлари, колхозчилар ва совхоз ишчиларини моддий манфаатдорлигини оширишлари керак.

Шу билан бирга қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолининг маданий турмушини яхшилаш ишини давом эттириш зарур. Ҳар бир қишлоқ юбилей йилида обод, гўзал тус олсин, худди байрамдагидек безатилган бўлсин.

Қадрли ўртоқлар!

Аҳолининг ва қайта ишлаш саноатининг сабзавот маҳсулотларига бўлган талаби ошиб бораётганлигини биз яхши тушунамиз. Бу маҳсулотларга бўлган талабни қондириш учун биз катта тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейи арафасида хўжаликлараро бўлимлар ва бригадаларароқолхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга, тўқкизинчи беш йилликнинг белгиловчи, тўртинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашга, сабзавотчиликни, боғдорчиликни ва узумчиликни ихтисослаштириш ва ишлаб чиқаришни концентрациялаш асосида янада кўпроқ маҳсулот етиштиришга чақирамиз.

Л. И. БРЕЖНЕВ Э. ГЕРЕК БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 15 август куни Қримда шу ерга дам олиш учун келган Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек билан учрашди.

Ҳар иккала партия раҳбарлари дўстона суҳбат чоғида ҳар тарафлама Совет—Польша ҳамкорлигидан мамнун эканликларини изҳор этдилар ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Л. И. Брежнев билан Э. Герек ўртоқлар СССР билан Польшанинг халқаро фаолияти тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар ва Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик учун курашга доир баъзи проблемалар хусусида фикрлашиб олдилар.

Учрашув самимият ва тўла якдиллик вазиятида ўтди.

Суратда: кенгаш қатнашчиларидан бир группаси.

А. Абалян фотоси.

ТЎРТ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Бекобод сут-ёғ заводи шаҳардаги илғор корхоналар сафига чиқиб олди. Бу ерда тўқкизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида меҳнат унумдорлиги кескин даражада ортди, сут-ёғ маҳсулотлари сифати яхшиланди.

Яқинда коллектив улкан ғалабани қўлга киритди. Корхона аҳли республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада ғолиб чиқди ва тўрт йиллик маҳсулот реализация қилиш планини уч йилу етти ойда бажарди.

— Юбилей йилида завод қиёфаси ва ишлаб чиқариш қувватлари тубдан ўзгарди, — дейди директор Ю. Еқубов, — сут қуйиш цехи кенгайтирилди, бошқа цехлар реконструкция қилинди. Рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишга катта аҳамият берилди. Шуниндек, маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Завод коллективи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни Бекобод шаҳри ва район аҳолиси Сирдарё областининг бирнеча районлари, Ширин, Янгиер шаҳарлари ва Тошкент шаҳрининг Ленин райони меҳнаткашларига етказиб бермоқда.

С. БОИМУРОДОВ.

ДЕҲҚОНЧИЛИК, БОҒДОРЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ МЎЛ-КЎЛ ЕТИШТИРАЙЛИК

ОБЛАСТЬ САБЗАВОТКОРЛАРИ КЕНГАШИДАН

Республикамизнинг кўрки, ёз фасли либосида яна ҳам чирой очиб юборган, турли-туман гуллар ҳиди анқиб турган, ариқларда биллур сув қўшиқ айтиб оқаётган Шредер номидаги Ленин орденли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти аллеялари, боғ йўллари, лабораториялари бутун гоят гавжум. Бу ерга областимизнинг меҳнатда синалган сабзавоткорлари, ширин-шакар узум етиштираётган сохибкорлари, қовун-тарвуз полизларининг миришкор деҳқонлари, район партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари йиғилишган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати картошка, сабзавот, мева, узум ва полиз экинлари маҳсулотини йил сайин кўпайтириш, аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган талабини йилнинг ҳамма фаслида тўлатўкис қондириш масаласига жиддий эътибор қилиб келмоқдалар. Шу билан бирга республика партия ва ҳукумати деҳқончиликнинг бу соҳасини кескин ривожлантиришга доимо катта ёрдам бераётирлар.

Кеча бу ерда Тошкент область сабзавоткорларининг кенгаши бўлди. Кенгашни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов очди.

Область сабзавоткорларининг кенгашида давлатга картошка, сабзавот, мева ва узум, қовун, тарвуз етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилаётганлиги атрофлича муҳокама қилинди. Бу тўғрида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси П. Ю. Юсупов доклад қилди.

Барча совет халқлари қатори,— деди докладчи,— областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС XXIV съезди кўрсатмаларини ва партиямизнинг 1973 йил декабрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун куч, қувватларини, билим ва тажрибаларини аямай меҳнат қилмоқдалар, коммунизм мўл-кўлчилигини вужудга келтириш учун курашаётирлар. Тўқкизинчи беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йили топшириқларини шараф билан бажаришга ҳаракат қилаётган ва республикамиз юбилейи вахтасида ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаётган сабзавоткор колхозларнинг аъзолари, совхозларнинг ишчилари, сохибкорлар ўтган етти ойлик топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Шу вақт ичида сабзавот тайёрлаш 116, картошка етказиб бериш 120, мева 150, гўшт ва сут 108, жун тайёрлаш 133 процент адо этилди. Ўтган йилнинг шу вақтига қараганда 1167 тонна кўп гўшт, 5810 тонна кўп сут, 9 миллион 15 минг дона кўп тухум етказиб берилди. Мева ва сабзавот маҳсулотлари ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 21 минг тонна кўп сотилди.

Областимиз сабзавотчилари бундай натижаларга ерлардан тўла ва унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш учун курашиш туфайли эришмоқдалар. 1971 йилдагига қараганда гектарига 22 центнердан кўп ҳосил олинди ва бир гектар ернинг унумдорлиги 176 центнерга етказилди.

Калинин, Оржоникидзе, Бўстонлиқ районлари картошка, сабзавот, боғдорчилик ишларига ихтисослаштирилганлиги сабабли областимизда саккизинчи беш йилликда 189 минг тонна маҳсулот етиштирилган бўлса, ўтган йили бу районлар 210 минг тонна сабзавот тайёрладилар. Еки ана шу уч район область бўйича етиштирилганига қараганда 21 минг тонна кўп сабзавот етказиб берди.

Бугунги кенгашимиз асосан сабзавотчилик ва боғдорчилик масалаларига бағишланаётган бўлса ҳам аммо биз асосий бойлигимиз, халқимизнинг миллий ифтихори бўлган пахтачилик тўғрисида гапирмай ўтолмаймиз.

Бу йил областимизнинг азамат пахтакорлари она-Ватанга 420 минг тонна Тошкент пахтасини армуғон этиш учун курашмоқдалар. Ишонч билан айтиш мумкинки, асосий майдонларимиздаги ҳар туп ғўзада мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилмоқда. Лекин биз бу билан қаноатланиб турмаймиз. Ғўза парваришини август ойида қизғин давом эттирамиз. Шу билан бирга йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриб қўямиз.

Шу кунларда областимиз пахтакорлари ва механизаторлари Андижондаги «Партия XX съезди» колхози механизаторларининг «Сельская жизнь» газетасида босилган ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган мақоласи ҳамда «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози коллективининг йиғим-теримга тайёргарлик кўриш, машина теримини ўтказиш юзасидан белгилаган ва область партия комитети томонидан маъқулланган тадбирлари асосида ўз ишларини юритмоқдалар.

Бу йил областимиз механизаторлари ҳосилнинг 75 процентини машиналар билан териб олишга, салкам 50 процент майдонда йиғим-терим ишларини комплекс механизациялаштиришга қарор қилганлар.

Ўз сўзларининг устидан чиққан ғаллакорлар ва пиллачилар иши тўғрисида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ғаллакорлар бошоқли дон етказиб бериш планини бажардилар. Биз Иттифоқ ғалла фондига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиш учун маккажўхори дони ва шоли етиштириш ишларини кучайтирамиз. Ҳаммаси бўлиб 48 минг тонна дон етказиб бериш тўғрисидаги сўзимизнинг устидан албатта чиқамиз. Областимизда маккажўхори дони йиғиштириш ишлари бошланиб кетди. Биз пешона тери тўкиб етиштирилган маккажўхори донининг сира нобуд қилинмаслиги, талон-тарож этилмаслиги тадбирларини амалга оширамиз.

Шу кунларда деҳқончилик ва боғдорчилик маҳсулотлари топшириш қизғин бораётир, деб сўзида давом этади докладчи. Биз шаҳарлик меҳнаткашларга ва Иттифоқимизнинг саноат шаҳарларига бу экинлар маҳсулотини белгиланган миқдорда юқори сифатли ҳолда етказиб бериш учун ишчи кучларидан, транспорт воситаларидан, механизациядан кенг фойдаланамиз. Мўлжалдаги картошка ва сабзавот ҳамда бошқа экинлар маҳсулотини олиш учун ҳамма район ва хўжаликларда экин экиш планларининг сўзсиз бажарилишини таъмин этамиз.

(Давоми 2-бетда)

ДЕҲҚОНЧИЛИК, БОҒДОРЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ МЎЛ-КЎЛ ЕТИШТИРАЙЛИК

(Бошн 1-бетда).

Оҳангарон ва Юқори Чирчиқ районларида, Бекобод ва Бўкадаги айрим хўжаликларда экиш планлари бажарилмаётгани устига сабзавот экиндаридан жуда оз ҳосил олинаётганлиги докладда ҳақли суратда тўғри танқид қилинди. Бу район ва хўжаликларнинг раҳбарлари йўл қўйилган камчиликларни тезда тугатиш учун қўшимча тадбирларни амалга оширишлари керак.

Докладчи теплица хўжаликларини ривожлантириш, ерлардан тўла фойдаланишда полиэтилен пленкалари тагида ҳосил етиштиришни кенг жорий этиш тўғрисида батафсил тўхталди. Шу билан бирга у тайёрлов ҳамда савдо ташкилотлари картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва узум қабул қилиб олишни, харидорларга етказиб бериш ишларини яхшилашни ўзларининг асосий мақсадлари деб билишлари ва бу соҳада ҳеч қандай камчиликларга йўл қўймаслик учун курашишларини кўрсатиб ўтди.

Сабзавоткорларимиз, боғбон ва сохибкорларимиз олдида янада улуғвор вазифалар турипти, деб давом этди докладчи.— Биз ўтган йилдагига қараганда 23 минг тонна кўп сабзавот, 30 минг тонна кўп картошка, 20 минг тонна кўп мева ва 18 минг тонна кўп узум етказиб беришимиз керак. Бу топшириқни муваффақиятли адо этиш учун далаларда, боғларда фидокорона меҳнат қилишимиз, парвариш ишларини янада яхшилашимиз, кечки экинларни тезроқ экиб бўлишимиз, ҳисоб-китоб ишларини қаттиқ назорат остига олишимиз, маҳсулотнинг нобуд бўлишига ва талон-тарож этилишига асло йўл қўймаслик тадбирларини белгилашимиз зарур.

Ана шунда областимиз сабзавоткорлари ва боғбонлари Ўзбекистон ССР ва Ўзкомпартиянинг шонли эллик йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини тўла бажарган бўладилар.

Доклад юзасидан музокаралар бўлди. Сўз Калинин район партия комитетининг биринчи секретари **Р. Қамбаровга** берилади. Районимиз сабзавоткорлари,— дейди, у, тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида 125 минг тонна сабзавот, 30 минг тонна картошка, 10 минг тонна мева, 9 минг тонна узум, 16 минг тонна сут, 4300 тонна гўшт, 53 миллион дона тухум ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш учун курашаётирлар. Ҳозир далалар ва боғларда, фермаларда ана шу юксак мажбуриятни бажариш юзасидан ишлар кучайтириб юборилган.

Калинин район меҳнаткашлари ўз сўзларининг устидан чиқадилар ва шаҳарлик меҳнаткашларни деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминлаш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Орджоникидзе районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг бош агрономи **И. Асатов** сўз олади. Йирик сабзавоткор, богдорчилик ва чорвачилик хўжалиги бўлган бу колхоз аъзолари юбилей йилида ўз зиммаларига катта мажбурият олиб ишлаётганликлари тўғрисида нотиқ батафсил тўхталиб ўтади. Ў август ойи биз сабзавоткорлар учун мўл-кўл ҳосилни йиғиштириш ойи, шунинг учун колхозчиларимиз шу ой давомида дала ва боғлардаги ишларни янада кучайтирадилар, деб кенгаш катнашчиларини ишонтиради. Бу йил ана шу хўжалик аъзолари республикамиз ҳамда Ўзкомпартиянинг эллик йиллиги шарафига 5300 тонна картошка, 15600 тонна сабзавот, 800 тонна мева, 1000 тонна узум, 2 минг тонна сут, 215 тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олганлар.

Калинин районидаги «Қорасув» совхози партия ташкилотининг секретари **М. Ёқубова**, Р. Р. Шредер номли, Ленин орденли богдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-текшириш институтининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. Мирзаев**, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз бригада бошлиғи **А. Мавленов** Оҳангарон районидаги 1-«Оҳангарон» совхозининг бригада бошлиғи **А. Бойжигитов**, Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. Эгамназаров** ўртоқлар сўзга чиқиб, ўз хўжаликларида маҳсулот тайёрлаш, кечки экинлар парваришини яхшилаш ва юбилей шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажариш қандай бораётганлиги тўғрисида гапирдилар.

Кенгашда областдаги барча колхозчиларга, совхоз ишчиларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига қарата мурожаат қабул қилинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Н. Ж. Худойбердиев**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **И. Р. Қурбонов**, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **А. А. Хўжаев** ўртоқлар иштирок этдилар.

Ж. Зокирова «Ташкентхлеб» бирлашмасининг 4-цехида кўп йиллардан бери таҳловчи бўлиб ишлайди. Бу меҳнатсевар аёл кунлик нормаларини 120—130 процентга етказиб адо этмоқда. Суратда: нонга нонлар жўнатиш учун ҳозирланмоқда.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



Эркин Икромов номини цехдагилар ҳурмат билан тилга олишади. У ҳозир ремонтчи-слесарлар бригадасининг бошлиғи. Унинг коллективи янги келган ускуналарни ўрнатади, бутун иш жараёнида профилактика ҳамда ремонт ишлари билан шуғулланади. Э. Икромов ва унинг ўртоқларининг бажараётган ишлари нонларни ўз вақтида тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Суратда: Э. Икромов иш устида.

Л. Глауберзон фотолари.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МУСОБАҚАСИ ВА ГАЗЕТА

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Оҳангарон райони хўжаликлари кўп тармоқлидир. Бу ерда йирик саноат, қурилиш корхоналари ва сабзавот, сут, гўшт етиштиришга, мева, узум, ҳосилини қўлайтиришга ихтисослаштирилган хўжаликлар бор. Район меҳнаткашлари партия XXIV съезди қарорларини бажара борибб, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар. Социалистик мусобақа ишлаб чиқариш қучларини ривожлантириш, янги-янги резервларни қидириб топишда қудратли восита бўлиб хизмат қилаётир.

Районда чиқадиган «Оҳангарон» газетаси ўз фаолиятида ана шу муҳим темани — жойларда социалистик мусобақанинг йўлга қўйилиши ва унинг самарадорлигини ёритишга ва ана шу асосда халқ хўжалик планларини бажаришда партия ва совет ташкилотларига ёрдам бериш юзасидан анчагина ибратли ишларни бажараётир.

Аввало редакциянинг иш планида социалистик мусобақани ёритиш масаласига кенг ўрин берилади.

Газетанинг шу йил 19 март сонида 1-«Оҳангарон» совхози 3-бўлими фермаси илғор ишчиларининг юбилей йили учун олган социалистик мажбуриятлари уларнинг суратлари билан эълон қилинди. Ферма сут соғувчилари ҳар бир сигирдан 2750 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилганликларини билдириб, 4-«Оҳангарон» совхози 1-бўлими чорвадорларини мусобақага чақирдилар.

Кўп ўтмай газетада мусобақадошларнинг жавоби тариқасида уларнинг мажбуриятлари, сут соғувчиларнинг юбилей йилидаги режалари, бу режаларни бажариш, социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан белгиланган тадбирларини ҳикоя қилувчи материаллар эълон қилинди.

Сўнгра газета мусобақадошлар ишини мунтазам кузатиб бора бошлади. Бу кузатиш якуни 16 июлда эълон қилинган «Мусобақадош фермаларда» рубрикаси остидаги материаларда таҳлил қилинди.

Газета илғор чорвадорлар, сохибкорлар, қурувчилар ва бошқа касб эгалари ўртасидаги ўзаро шахсий мусобақаларни «Келинг, мусобақалашайлик» рубрикаси остида мунтазам бериб бормоқда.

Социалистик мусобақа жараёнида янги-янги илғорлар, ишлаб чиқариш машъаллари етишиб чиқмоқда. 2-«Оҳангарон» совхозининг бригадири коммунист Турсуной Назарова бунга мисолдир. Бу бригада 20 гектар ернинг ҳар гектаридан 220 центнер ўрнига 600 центнердан помидор олишга қарор қилди. Бу ташаббус газета орқали кенг ёйилди.

4-«Оҳангарон» совхози чорвадорлари икки йилдан буён Ставрополь ўлласидаги «Туркменский» совхози билан мусобақалашиб келмоқдалар. Дўстлик ва интернационализм руҳи билан суғорилган бу мусобақа ва унинг самараси газета саҳифаларидан муносиб ўрин олаётир.

Газета Хоразм областининг Боғот районидаги «Ленин йўли» колхози билан алоқа боғлаган. Алмашинув саҳифаларида ҳар икки районда социалистик мусобақани ташкил этишдаги илғор тажрибалар ўртоқлашилади. Газета апрель ойидан бошлаб Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги шарафига — «Зарбдор 30 ҳафта» саҳифасини ташкил этган эди. Ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари газетанинг биринчи бетида ана шу рубрика остида район меҳнаткашларининг қўлга киритган зафарлари эълон қилиб борилади.

Социалистик мажбуриятларнинг бекаму-кўст бажарилишини назорат этиб бориш газетанинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. «Сут нега камайиб кетмоқда? «Олмалиқ» совхози раҳбарлари диққатига», «4-«Оҳангарон» совхози 2-бўлимининг агрономи С. Мунисхоновга», «Бўлим бошқарувчиси Ўртоқ М. Бўриевга» сарлавҳали материалларида мусобақа шартларининг бажарилишидаги сусткашлик ва қолоқлик сабаблари таҳлил этиб берилди.

Райондаги саноат корхоналарининг илғор ишчилари ҳам тўққизинчи беш йиллик топшириқларини 3,5—4 йилда бажариш ташаббуси билан чиқмоқдалар. «Сантехлит» заводининг ишчиси, область партия комитетининг аъзоси А. Барабаш газетада эълон қилинган «Ишчи сўзи қатъий» мақоласида беш йиллик планни тўрт йилда бажаришга аҳд қилганлигини айтиб, тажрибаларини баҳам кўрди. Орадан қисқа вақт ўтиши билан саноат корхоналарининг ишчиларидан И. Пономарев, Н. Мачков, Т. С. Профименко, Б. Федотов, К. Полодецкий, А. Митряев сингари коммунист ва комсомоллар Барабашнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилганликларини билдириб, газетага хат йўлладилар. Ўз режалари билан ўртоқлашдилар.

Газета социалистик мусобақани ёритишда хилма-хил жанрлар ва рубрикалардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. «Мажбуриятнинг бажарилишини текширамиз», Мажбуриятлар олдикми, бажарайлик», «Мусобақадош бригадаларда» рубрикалари газетадан мунтазам ўрин олмоқда. «Кўринг, таққосланг, ҳаракат қилинг» рубрикаси остида берилаётган материалларда эса район хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг аҳволи кўрсатиб берилади. Ҳар ойда эса чорвачилик фермалари сут соғувчиларининг иш якунлари мунтазам равишда эълон қилинади.

Лекин социалистик мусобақани ёритишда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Газетада омманинг жонли ижоди бўлган мусобақа ташкилотчиларига тез-тез ўрин бериш керак. Партия ташкилотининг мусобақага раҳбарлик соҳасидаги фаолияти ва камчиликларини кўрсатувчи материалларни кўпайтириш зарур. Социалистик мусобақа янгича мазмун касб этиб, унинг шакл ва усуллари кўпайиб бормоқда. Партия ташкилотлари ана шу усуллардан қандай фойдаланаётганликларини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Мусобақадошлар эришаётган натижаларни қиёсий таҳлил этиш — резервлар ва имкониятларни аниқлашда муҳим восита эканлигини унутмаслик лозим.

Ҳамма ерда шу кунларда республикамизнинг олтин тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун қураш авж олдириб юборилган. Район меҳнаткашлари ҳам бу курашда актив иштиро этиб, социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқдалар. Ўйлаймизки, газета мусобақани ёритишдаги тажрибаларни бойитиб, бу соҳадаги изланишларни давом эттиради.

Н. РИХСИЕВ.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

15 августда область партия комитетида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигига бағишланиб, «Қонун ва ёшлар» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Область комсомол комитети, ижроия комитети, юстиция бўлими, «Билим» жамияти томонидан уюштирилган ушбу анжуманга саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо системаси колхоз ва совхозлар олий ўқув юртлари, техникумлар ва билим юртлари, бошланғич комсомол ташкилотларининг секретарлари район ва шаҳар комсомол комитетларининг иккинчи секретарлари, халқ дружиначиларининг командирлари, ҳуқуқчи лекторлар, район ва шаҳар комсомол комитетлари лекторлар группаларининг бошлиқлари, оператив комсомол отрядларининг командирлари, район ва шаҳар методистлари, давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари таклиф қилинган эди.

Конференцияни область комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Н. Бобоев қисқача кириш сўзи билан очди.

Конференцияда жами бўлиб 12 та илмий-амалий доклад тингланди. Жумладан область ижроия комитети юстиция бўлими бошлиғи М. У. Усмонов «Ёшларнинг ҳуқуқ-тарбиясини яхшилаш чоралари ва ҳуқуқ фанлари пропагандасини такомиллаштириш ҳақида», область суди раисининг ўринбосари Р. И. Мустафин «Комсомол ва жамоатчиликнинг ўсмирларнинг қонунни бузишларини огоҳлантиришдаги роли», ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник А. Ç. Майоровнинг «Жамоатчилик ва кўнгилли халқ дружиначиларининг қонуннинг бузилишига қарши курашдаги роли ва жамоат тартибни муҳофаза қилиш» сингари ва бошқа темалардаги докладлар тингланди.

Конференция охирида область комсомол комитети томонидан тайёрланган тавсиянома тингловчиларга тарқатилди.

Н. ШОДИЕВ.

ВАҚТИНГ КЕТДИ— НАҚДИНГ КЕТДИ

Шаҳримиздаги Марказ — 15 дан Абай кўчаси бўйлаб юрсангиз қатор замонавий бинолар кўкка бўй чўзаётганининг гувоҳи бўласиз. Бир томонда қурилиш нони —бетон қоришмаси тайёрланяпти, кўтарма кран ўз навбатида ғишт ва қоришмани юқорига узатяпти. Юқорида эса ғишт терувчи Назир Турсунов, Ҳамид Сингатулин ва бошқалар чаққонлик билан ғишт теришяпти. Бу меҳнат майдонида «Главтаншестрой»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-трестига қарашли 13-қурилиш бошқармаси коллективи меҳнат қилмоқда.

— Марказ-13, Марказ-15 да истиқомат қилувчилар учун 110 ўринли ҳаммом биносини қуряпмиз,— дейди прораб М. Сиддиқов. Атрофда қад кўтараётган лекторлар уйи ва 750 ўринли поликлиника қурилишларида ҳам шу бошқарманинг Анвар Халилов бошлиқ комплекс бригадаси планни 130—140 процент бажариб ишламоқдалар.

Объектда кейинги ойларда иш суръати анча ошди. Иккинчи квартал плани ортиғи билан бажарилганлиги ҳам шундан далолат бериб турипти. Лекин, ҳозирги кунда бу ерда кунлик планларини бажармаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳол асосан поликлиника қурилиши объектида юз бермоқда. Бунга асосан баъзан қурилиш материалларн етарли миқдорда етказиб берилмаётганлиги, мавжуд механизмлар қувватидан тўла фойдаланилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Масалан, 4-темир-бетон буюмлари заводи қурилиш колонналарини ўз вақтида етказиб бермаганликлари сабабли 10 августда бир гуруҳ бинокорлар кун бўйи майда-чуйда ишларни «эрмак» қилишга мажбур бўлишди.

— Агар ҳамма нарса муҳайё бўлганда, биз иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, планни 200 процентга етказиб бажарар эдик,— дейди бригада бошлиғи Анвар Халилов.

Ҳа, вақтинг кетди — нақдинг кетди, дейишади. Мавжуд камчиликлар бартараф этилса, иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланилса кўрсаткичлар салмоғи ортади, бинолар янада тезроқ фойдаланишга топширилади.

Ж. МАМАТОВ.

КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИ ВА ЯНГИ КИШИНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «МЕҲНАТКАШЛАРНИ КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ КИТОБИНИНГ БОСИЛИБ ЧИҚИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш билан бирга меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш коммунизм қуриш учун курашнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Партиянинг янги кишини камол топтириш, совет кишиларининг ижтимоий онглилигини, маданияти ва билимини ошириш борасида амалга ошираётган вазифалари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Давлат сиёсий нашриёти томонидан чиқарилган «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида»ги китобида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Китобга 1964 йилдан 1974 йилгача сўзланган нутқлар ва ёзилган мақолалар тўла ёки қисман киритилган. Уларда идеология масалалари, маданий-тарбиявий ва оммавий-сиёсий ишлар ёритилган. Ушбу нутқ ва мақолалар партия съездларида қилинган Ҳисобот докладларидан, Марказий Комитет Пленумларида қилинган докладлар ва сўзланган нутқлар, тантанали юбилей мажлисларидаги докладлар, комсомоллар, ўқитувчилар съездларида сўзланган нутқлар, сайловчилар билан учрашувдаги нутқлар, қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг съездларида сўзланган нутқлардан олинган бўлимлар ва парчалардир. Тўпламга кирган ҳужжатларнинг кўпчилиги ўз вақтида эълон қилиниб, миллион-миллион кишилар уни зўр қизиқиш билан ўрганган эди. Баъзи нутқлар биринчи марта босиб чиқарилмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқлари ва мақолаларида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг марксча-ленинча таълимотни ривожлантириш ҳамда уни ҳозирги шароитда амалий қўлланиш борасидаги кўп қиррали тажрибаси очиб берилади, партиянинг идеология иши соҳасидаги ғоят улкан ва самарали ишларининг ёрқин манзараси намоён этилади. Уларда партиянинг ташкилотчилик ва идеология ишлари бирлиги, партия кадрларини ғоявий-сиёсий тарбиялаш, меҳнаткашларнинг ғоят кенг оммасида коммунистик дунё қарашни, юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш, меҳнатга янгича, коммунистик муносабатда бўлишни тарбиялаш, илмий ташкилотларга, халқ маорифи органларига, маданий-оқартув муассасаларига, оммавий ахборот воситаларига, адабиёт ва санъатга раҳбарлик, буржуа идеологиясига ва «сўл» оппортунизмга қарши ҳужумкор курашни кучайтириш масалалари ҳар томонлама ёритилган. Тўпламда ёш авлодни тарбиялаш проблемаларига катта ўрин берилган.

Китоб коммунистик тарбиянинг назария ва амалиётини ривожлантиришга қўшилган катта ҳиссадир.

I.

Марксизм-ленинизм меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Илмий коммунизм партияси бўлган бизнинг партиямиз марксча-ленинча фанга оғишмай амал қилиб, уни янада ривожлантириш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Ижтимоий ҳаёт воқеаларини, унинг асосий тенденцияларини назарий жиҳатдан англаб етиш ижтимоий жараёнларнинг боришини олдиндан кўриш учун энг тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқиш, хатолардан ҳамда субъектив қарорлар қабул қилишдан ҳоли бўлиш учун партияга ёрдам беради. Назарий фаолият — партиянинг роли ўсиб унинг бутун коммунистик қурилиш жараёнига таъсири кучайиб боришининг асосий шартларидан биридир.

Партиямиз, унинг ленинча Марказий Комитети миллионларнинг жонли тажрибасини ўргана ва умумлаштира бориб, коммунизм қурилишининг назарий ва амалий проблемаларини, илмий, ижодий ҳал қилиш йўлини кўрсатиб бермоқдалар. КПСС XXIII ва XXIV съездлари қарорлари, партиянинг энг муҳим ҳужжатлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладлари ва нутқлари марксизм-ленинизм дурдонасига қўшилган ғоят катта ҳисса бўлди.

Тўпламдаги материаллар Коммунистик партия назарияси, сиёсати ва практикасининг узвий бирлигини ифодалайди. КПСС марксизм-ленинизм назарияси ни ижодий ривожлантира бориб, унинг принципларини тафтиш қилишга интилувчиларнинг барчасига қарши муросасиз ва изчил кураш олиб бориб, меҳнаткашлар оммасининг ҳақиқий йўлбошчиси мавқеини эгаллади ва юксак обрў қозонди, жаҳонда биринчи пролетар давлатини барпо этишда, ривожланган социалистик жамият қуришда жаҳоншумул тарихий ғалабага эришди.

Марксизм-ленинизм совет халқининг ғоявий байроғи бўлиб қолди. Бу—революциямизнинг энг буюк зафари, коммунизм ғалабасига эришиш калитидир. «Партиямиз, совет коммунистларининг ғоят улкан жиддий ишлаган коллективи бугунги кунда олдида турган ҳар қандай вазифаларни муваффақиятли уддалаётган экан, ишнинг ҳамма соҳасида —катта-кичик ишларнинг ҳаммасида коммунистик ўзининг авангардлик ролини шараф билан адо этаётган экан, — дейди ўртоқ Л. И. Брежнев,— бу, партиямизнинг марксизм-ленинизм руҳида тарбияланганлиги, шу буюк таълимот ғоялари билан суғорилганлиги туфайлидир. Бизнинг партиямиз учун ленинизм ғалабага эришишнинг ҳақиқий фани бўлиб қолди. Ленинизм ҳамиша биз учун шундай бўлиб қолади».

Китобда эълон қилинган нутқлар, айниқса «Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда» юбилей докладида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ташкилотчиси, халқаро ишчилар синфининг доҳийси Владимир Ильич Ленининг улуғворлиги ва жаҳоншумул тарихий роли ҳар тарафлама ва чуқур очиб берилган.

Совет Иттифоқи Коммунистия партиясининг назарий фаолияти китобда унинг халқаро коммунистик ҳаракат бирлиги ва жипслигини марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари асосида мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашининг таркибий қисми эканлиги кўрсатилади. Кейинги йилларнинг тажрибаси КПСС билан қардош партияларнинг замонамиз актуал проблемаларини ижодий ишлаб чиққанлиги, революцион назариямиз принципларига асосий ғояларини ҳимоя қилганлиги бутун коммунистик ҳаракатга нақадар катта ёрдам бераётганлигини яққол намойиш қилди.

Ҳозирги замон жараёнини марксча-ленинча анализ қилиш партиямизга, жаҳон ижтимоий тараққиётининг барча масалалари юзасидан аниқ позиция билан чиқишда, барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган масалаларни чуқур ўйлаб ҳал этишда, умумий хавфсизлик ва социал тараққиётга эришишда катта ёрдам бермоқда. Партиянинг ленинча ташқи сиёсати синфий ёндошиш билан, чуқур илмий ва реалистик характери билан фарқ қилади.

Китобда халқаро кескинликни юмшатиш шароитида идеология муассасалари ва кадрлари фаолиятини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилган. Бунда гап КПСС ва Совет давлатининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатини собитқадамлик билан ва тагин ҳам изчил тушунтириш, унинг инсонпарварлик мақсадлари ва реал ютуқларини тушунтириб бериш устида боради. Халқаро майдонда КПСС идеологик фаолиятининг асосий йўналиши совет кишиларининг, социалистик ҳамдўстлик халқларининг янги жамият қуришда, социалистик турмуш тарзини барпо этишда эришаётган муваффақиятлари тўғрисидаги ҳақиқатни кенг ёйишдан иборат.

2

Социализм йилларида бизда ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг янги уклади таркиб топди. Китоб совет турмуш тарзининг яхлит ва улуғвор манзарасини кўрсатиб беради, социалистик турмуш тарзининг асосий мезонларини, унинг буржуа турмуш тарзидан беқиёс устунликларини очиб беради. Социализм эксплуатация, ишсизликни, қашшоқликни, миллий зулмни абадул-абад йўқотди. Социалистик турмуш укладида меҳнаткаш инсон олий ижтимоий бойлик ҳисобланади. Партиямизнинг ленинча байроғига «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлида олға интилаётганимиз сари, халқнинг фаровонлигини ошиб борганги сари ҳар бир совет кишисида онгни камол топтириш, коммунизм қурувчиси учун зарур бўлган маънавий-сиёсий фазилатларни тарбиялаш тобора катта аҳамият касб этади. «Бугунги совет кишиси,— деб таъкидлайди ўртоқ Л. И. Брежнев,— партия йўлини амалга ошириш учун курашнинг актив иштирокчиси, ўз мамлакатининг чинакам хўжайинидир. Унинг қизиқиш доираси кенг, маданий эҳтиёжлари улкан. Идеология ишида буларнинг ҳаммасини ҳисобга олмоқ даркор».

Китобда ҳозирги шароитда меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялашнинг моҳияти ва асосий вазифалари, социалистик онглиликни ривожлантириш қонуниятлари, янги кишини камол топтиришнинг асосий воситалари, методлари ва йўллари ҳар томонлама ёритилган.

Партиянинг бутун ғоявий-тарбиявий ишининг ўзаги кенг меҳнаткашлар оммасида коммунистик дунёқарашни камол топтиришдан, уларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялашдан иборат. Бунда гап чинакам чуқур ғоявийликни таркиб топтириш, ижтимоий ҳаёт воқеаларига аниқ синфий ёндошишни ўргатиш устида, революцион назариямизнинг буюк бойлигини ижодий қўлланишга ўргатиш устида бормоқда. Бизда марксизм-ленинизм классиклари асарлари СССРдаги барча халқларнинг тилларида миллион-миллион нусхада нашр этилмоқда. Коммунистлар, партиясизлар, барча кадрларимизнинг марксча-ленинча ўқувининг мунтазам системаси таркиб топди ва амал қилмоқда. Партия совет кишиларини ишчилар синфининг илғор идеологияси руҳида, юксак коммунистик онглилик руҳида сабот билан ва аниқ мақсадни кўзлаб тарбияламоқда.

В. И. Ленин иш олиб бормай туриб, кураш олиб бормай туриб коммунизмни китобдан ладиқ. Совет Иттифоқи, қардош социализм мамлакатлари синфий муҳолифларнинг кескинликни юмшатиш жараёнидан бизнинг ички ишларимизга аралашиш, бизнинг идеалларимизга, дунёқарашимизга, анъаналаримизга зид келадиган қарашларни пропаганда қилиш мақсадида фойдаланиш йўлидаги интилишларига кескин зарба бермоқдалар. Капитализм тузумнинг иллатлари, унинг идеологияси, ахлоқи ва маданияти фош қилиб ташланади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқларида маоизмнинг антиленинча ғоявий ва сиёсий моҳияти, Пекин раҳбарларининг ҳозирги замон асосий масалалари бўйича тутган бузғунчилик сиёсати фош қилинади. Маоизмни принципиал танқид қилиш — марксизм-ленинизмнинг софлиги учун курашнинг, социалистик ҳамдўстлик, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш учун курашнинг, империализмга қарши барча кучларнинг бирлигини мустаҳкамлаш учун курашнинг асосий йўналишларидан биридир.

Китобда халқаро кескинликни юмшатиш шароитида идеология муассасалари ва кадрлари фаолиятини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилган. Бунда гап КПСС ва Совет давлатининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатини собитқадамлик билан ва тагин ҳам изчил тушунтириш, унинг инсонпарварлик мақсадлари ва реал ютуқларини тушунтириб бериш устида боради. Халқаро майдонда КПСС идеологик фаолиятининг асосий йўналиши совет кишиларининг, социалистик ҳамдўстлик халқларининг янги жамият қуришда, социалистик турмуш тарзини барпо этишда эришаётган муваффақиятлари тўғрисидаги ҳақиқатни кенг ёйишдан иборат.

2

Социализм йилларида бизда ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг янги уклади таркиб топди. Китоб совет турмуш тарзининг яхлит ва улуғвор манзарасини кўрсатиб беради, социалистик турмуш тарзининг асосий мезонларини, унинг буржуа турмуш тарзидан беқиёс устунликларини очиб беради. Социализм эксплуатация, ишсизликни, қашшоқликни, миллий зулмни абадул-абад йўқотди. Социалистик турмуш укладида меҳнаткаш инсон олий ижтимоий бойлик ҳисобланади. Партиямизнинг ленинча байроғига «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлида олға интилаётганимиз сари, халқнинг фаровонлигини ошиб борганги сари ҳар бир совет кишисида онгни камол топтириш, коммунизм қурувчиси учун зарур бўлган маънавий-сиёсий фазилатларни тарбиялаш тобора катта аҳамият касб этади. «Бугунги совет кишиси,— деб таъкидлайди ўртоқ Л. И. Брежнев,— партия йўлини амалга ошириш учун курашнинг актив иштирокчиси, ўз мамлакатининг чинакам хўжайинидир. Унинг қизиқиш доираси кенг, маданий эҳтиёжлари улкан. Идеология ишида буларнинг ҳаммасини ҳисобга олмоқ даркор».

Китобда ҳозирги шароитда меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялашнинг моҳияти ва асосий вазифалари, социалистик онглиликни ривожлантириш қонуниятлари, янги кишини камол топтиришнинг асосий воситалари, методлари ва йўллари ҳар томонлама ёритилган.

Партиянинг бутун ғоявий-тарбиявий ишининг ўзаги кенг меҳнаткашлар оммасида коммунистик дунёқарашни камол топтиришдан, уларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялашдан иборат. Бунда гап чинакам чуқур ғоявийликни таркиб топтириш, ижтимоий ҳаёт воқеаларига аниқ синфий ёндошишни ўргатиш устида, революцион назариямизнинг буюк бойлигини ижодий қўлланишга ўргатиш устида бормоқда. Бизда марксизм-ленинизм классиклари асарлари СССРдаги барча халқларнинг тилларида миллион-миллион нусхада нашр этилмоқда. Коммунистлар, партиясизлар, барча кадрларимизнинг марксча-ленинча ўқувининг мунтазам системаси таркиб топди ва амал қилмоқда. Партия совет кишиларини ишчилар синфининг илғор идеологияси руҳида, юксак коммунистик онглилик руҳида сабот билан ва аниқ мақсадни кўзлаб тарбияламоқда.

В. И. Ленин иш олиб бормай туриб, кураш олиб бормай туриб коммунизмни китобдан

Суратда: (чапдан) Тошкент аэровокзалининг бошлиғи А. Шонсломов, СССРда хизмат кўрсатган учувчи Ғ. Орипов, пассажир ва юк ташиш бўлимининг диспетчери Қ. Зокиров, «ИЛ-18» кема командири Т. Хўжаев ўртоқлар. А. Абалян фотоси.

ЛОЧИНЛАР ПАРВОЗГА ШАЙ

ЭРТАГА СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

У ойнадан ташқарига боқади. Бу ер двигателларнинг шовқини, йўловчиларнинг ғала-ғовуридан сал узоқ. Кечасию кундузи тўхтовсиз ҳаёт қайнайдиган даргоҳда тинч хона. Сокинлик. Қизиқ, киши сукунат ҳолида қолдими, доим хаёлга чўмади. У ҳам ташқарини, олис кенгликларни кузатяпти-ю, шўх ёшлик йиллари кўз олдига келяпти.

Мана шу гавжум ер кўримсиз сайҳонлик эди. Тенгдош ўсмирлар планерни шу ерга келиб учиришарди. Ушанда ўқтин-ўқтин санитария самолётларигна осмонга кўтариларди. Бир кунда нари борса юзга яқин одам кўкка парвоз этадиган дала аэродромидан фарқи йўқ эди.

Ҳозир эса ҳаво кемаларининг кети узилмайди.

Ғофуржон кўриб ўз кўзига ишонмайди. Қирқ йилда шунча ўзгариш. Мана шу ҳозирги учувчилар байрами ўшанда энди-энди нишонлана бошлаганди. У йиллар совет учувчилари жаҳонни ҳайратга солиб, ниҳоятда қийин шароитда Шимолдаги музлик қаъридан одамларни қутқарганлиги ҳамманинг оғзида эди. Биринчи қаҳрамонлик Олтин юлдузлари челюскинчиларни халос этган шунқорларга берилди. Худди ана ўша кезлар Ғофуржоннинг навқирон қалби ҳам учишни қўмсади.

Ёлғиз ўғлининг уйдагилардан яширин Тошкент аэроклубига қатнай бошлаганлиги боиси шунда эди. Бундай клубларда қаҳрамон учувчилар тайёрланажаги қулоғига чалинган эди-да. Ҳақиқатда аэроклублар бўлажак учувчилар, парашютчилар, планеристлар, ҳарбий ҳаво флотининг техниклари макони эди.

Лекин Ғофуржон аэроклубни битирса ҳам уни авиацияга олишмади.

1938—40 йилларда Тамбов авиация билим юртида сабот билан билим оларкан, орзулари ушалаётганлигидан қувонарди. Ёш мутахассисни Фрунзе шаҳрига инструктор-учувчи қилиб ишга юборишди. У энди ўзи каби самолёт штурвалини эгаллашга ишқибоз йигитларни учувчиликка ўргатарди. Ёвуз душман юртимизга бостириб кирган ўша оғир дамларда учувчилар қанчалик зарур бўлганлиги ҳаммага аён. Тошкентлик инструктор йигирма тўрт учувчини тайёрлаб берди. Ўзи эса 1942 йил июнда кўнгилли бўлиб, фронтга кетди.

Урушни Сталинград жангидан бошлади. Совет Қуролли Кучларининг жанговар солномасига ўчмас саҳифалар ёзиб қолдирган 17-ҳаво армияси жангчилари душман устига ажал уруғи сочардилар. Ана ўша мардлар сафида ҳамшаҳримиз Ғофур Орипов ҳам бор эди. У кўпроқ разведкага борарди. Ўша оловли йиллардан бир воқеа унинг ёдида:

Қўмондонликка Сталинград яқинидаги Калач атрофидан тўғри фронт чизиғини аниқлаш зарур бўлиб қолди. Ҳужумга тайёрланаётган қўшинларимиз учун бу жуда муҳим эди. Кечаси эскадрилья командири Ориповни чақирди.

— Мана шу жойда фронтнинг қаердан ўтганлигини билиб келиш керак,— деди командир картани ёзиб.— Сиз билан бу киши бораси,— бир майорни кўрсатди у.

Биз картани олдимизга қўйиб, қаердан учиб, қаердан қайтишни белгилаб олдик. Сўнг эрталаб тира-ширада самолётга ўтирдик. Белгиланган жойлардан ер юзалаб учардик. Самолётим душман палаткалари устига тегиб кетайтегиб кетай дерди. Эндигина ўрнидан турган фашистлар остимизда ҳанг-манг бўлиб, орқамиздан сўкиниб бизни нишонга олганча қоларди. Шу тарзда 200 километрча масофадаги фронт чизиғини аниқлаб келдик. Биз қайтгач бир соатдан кейин артиллерия тайёргарлиги бошланиб, сўнг шиддатли ҳужумга ўтилди...

Ғофур ака совет авиациясининг ўша вақтдаги энг яхши намунаси «ПО-2» самолётини маҳорат билан бошқарарди. Талантли конструктор Николай Поликарповнинг бу машинаси уруш даврида шуҳрат қозонган эди.

У Ватанни озод қилиш жангларининг охиригача қатнашди. Фронтнинг олдинги линиясида қаттиқ яраланган офицер ва генералларни жанг майдонидан олиб чиқиб, дала госпиталларига етказиб келарди. У Ватанимиз осмонидагина эмас, Руминия, Болгария, Югославия, Венгрия, Австрия каби Шарқий Европа мамлакатлари осмонида ҳам ҳалоскорлик жангларида иштирок этди.

Будапештни озод этишда жангчиларга авиабўлинмаларимиз яхши мадад бериб турдилар. Қурол-аслаҳа ташийдиган машиналар ботқоқда ботиб қолгач, олдинги сафдагилар ночор аҳволга тушди. Штабдан «шошилинч равишда снаряд ва ўқлар етказиб келинсин» деган буйруқ берилди. Ғ. Орипов хизмат қилаётган авиаполк бу мураккаб топшириқни шараф билан уддалади. Қуроляроғ ортган самолётлар шундоқкина солдатларимиз ётган окопларга олдига келиб қўнар, жангчилар яшикларни тезда бўшатиб олишарди. Вақтида етказиб берилган бу «посилкалар» қардош мамлакат пойтахтини озод этишда қўл келди.

Орипов армиядан 1945 йил октябрида иккинчи даражали Ватан уруши ордени, бир қатор жанговар медалларни кўксига тақиб қайтди. Энди у пассажир самолётлари штурвалига ўтириб, тинч осмонимизда янгидан тикланаётган шаҳарларга парвоз этарди.

Иккинчи учувчи, кема командири, учувчи-инструктор, бўлинма командири... У қайси вазифада бўлмасин, ўз устида тинимсиз ишлаб интизоми билан ҳамма учун намуна бўлиб келди. Ғофур ака ўттиз йил кўкда парвоз этди. Авиациямиз унинг кўзи ўнгида жадал тараққий этди. У хилма-хил машиналарни бошқарди: «П-5», «ПС-40», «ЛИ-2», «ИЛ-12» «ИЛ-14», «ИЛ-18», «АН-24»...

Ўтириб ҳисобласа бир неча минг соат учибди. Бу деярлик икки ярим йил кўкда «қуш ҳаёти» билан яшаш демак. Бу—тўрт миллион километрдан ортиқ масофа. Ҳар қандай учувчи фахрланса арзийдиган рақамлар булар. Лекин Орипов бу рақамлар билан эмас, балки бошқа нарса билан ғурурланади.

Унинг шогирдлари кўп. Улар сони юздан ошиб кетган. «ИЛ-18» кемасининг командири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Юсуф Содиқов, энг қобиляти бўлинма командирларидан Темир Шомирзаев, Собир Дадаев, Аброр Хусанов, Исроил Шомансуров, «АН-24» самолётини бошқараётган Эрназаров, Усмонов, Саримсоқов... Эрта-индин Тошкент аэропорти дунёда ҳамманинг ҳавасини келтираётган биринчи даражали ҳаво кемаси «ИЛ-62» самолётларини олади. Пойтахтимизда уларни бошқара оладиган экипажлар тайёрланди. Улар орасида ҳам Ориповдан учиш маҳоратини ўрганган ёшлар бор. Ҳадемай Шокир Исамуҳамедов бу осмон кемаси билан Москва, Киевга очилаётган янги рейсларда қатнайди.

Шогирдлардан яна бири ҳақида тўхталмай бўлмайди. Бу тажрибали учувчининг ўғли Эркин Ориповдир. Ота изидан борган Эркин учувчилик мактабини тамомлаб келди. Ҳозир «АН-2» да учяпти. Яқин кунларда катта самолётларда олис парвозларга кетади.

С. МУСАЕВ.

ТЕЛЬ-АВИВНИИГ ИҒВОГАРЛИГИ

БАЙРУТ, 15 август. (ТАСС). Исроил Жанубий Ливаннинг аҳоли пунктларига қарши иғвогарликларини давом эттирмоқда. Исроилнинг оғир артиллерияси кеча Фардис, Хиббария, Кфар—Шуба, Кфар—Ҳаммам ва Рашайя—Аль Фуххар қишлоқларининг чеккаларини қаттиқ тўпга тутган. Қишлоқ хўжалик экинларига каттагина зарар етказилган.

Исроил қўшинлари Яруиҳт Тири, Айн-Ибль, Рмейш ва Рамия қишлоқларини ҳам тўпга тутганлар. Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари кеча бутун кун давомида мамлакатнинг жанубий районлари устидан учиб ўтган.

ЛИССАБОНДА ҚАБУЛ

ЛИССАБОН 15 август. (ТАСС). Португалия муваққат ҳукуматининг Бош министри В. Гонсалвиш СССРнинг Португалиядаги элчиси А. И. Калининни қабул қилди. Суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

Совет элчисини мансабсиз министр, Португалия Компартиясининг Бош секретари А. Куньял ҳамда мансабсиз министр майор В. Алвиш ҳам қабул қилди.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕЛГРАД. Сурия Араб Республикасининг президенти Ҳафиз Асад Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти И. Броз Титонинг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Югославияга келди.

РЕЙКЬЯВИК. Исландия Гвиней-Бисау Республикасини таниганлиги бу ерда расмий эълон қилинди.

ЛОНДОН. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари Курт Вальдхайм бугун Англия Бош министри Гарольд Вильсон ҳамда ташқи ишлар министри Жеймс Каллагэн билан учрашди. Шу учрашувлар чоғида Англия, Греция ва Туркия ташқи ишлар министрлари ўртасида Женевада олиб борилган музокаралар барбод бўлганидан кейин Кипрда вужудга келган вазият муҳокама қилинди.

ИСЛОМОБОД. Покистон ҳукумати Белужистон вилоятининг қолоқ районларини иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига 20 миллион рупия маблағ ажратди.

ТОКИО. Бугун Сеулда Жанубий Корея режимининг бошлиғи Пак Чжон Хи ҳаётига суиқасд уюштирилди. У нутқ сўзлаётган вақтда номаълум киши Пак Чжон Хига қарата бир неча марта ўқ узган. Сеулдан олинган хабарларга кўра, Жанубий Корея режимининг бошлиғи шикастланмаган, аммо битта ўқ унинг ёнида турган рафиқасига теккан. Полиция суиқасд қилган кишини қамоққа олган.

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатларда ишга ёллашда ва ишдан бўшатишда ирқий, миллий, диний ва бошқа кўринишлардаги камситиш озаймаётир. 1973 йилда мамлакат суд инстанцияларида камситишга қарши қаратилган 55.000 дан ортиқ даъво қараб чиқилган.

КИПРДАГИ ВОҚЕАЛАР

БАЙРУТ, 15 август. (ТАСС). Кипрда уруш ҳаракатлари борган сари шиддатли тус олмоқда. Олинган маълумотларга қараганда, бутун Туркиянинг пиёда аскарлари ва танк бўлинмалари мамлакатда учинчи катта шаҳар бўлган Фамагустага киридилар ва шаҳарнинг марказий қисмини ишғол этиб турган кипрлик қуролланган турклар билан қўшилдилар. Бомбардимон натижасида Фамагустага анча шикаст етказилди, аҳолининг кўп қисми шаҳарни ташлаб чиқиб кетди.

Бу ерда ўқтириб ўтишларича, оролнинг шарқий қисмидаги Фамагуста портига турк қўшинларининг кириши Кипр территориясининг тахминан учдан бир қисми ҳақиқатда турклар назорати остига ўтганлигини билдиради.

Никозияда жанглар давом этмоқда. Айниқса грек офицерлари бошчилигидаги миллий гвардия қисмлари билан Туркия қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашувлар кўпчилик саноат корхоналари жойлашган пойтахтнинг шарқий томонида шиддатли тус олди. Шу ерда бўлган кишиларнинг айтишича, Никозиянинг ҳамма жойини сон-саноқсиз ёғғинлар туфайли қуюқ тутун қоплаб олган.

Никозиядаги халқаро аэропорт Туркия қуролли кучлари назорати остида эканлиги хабар қилинди.

Туркия ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари Лефка шаҳридан 12 километр масофада жойлашган Лимнитис аҳоли пунктига ҳужум қилди. Туркия қўшинлари бу шаҳарга артиллерия ўқи етиб борадиган масофага яқинлашиб келдилар.

Туркия ҳарбий денгиз кучларининг кемалари оролнинг шарқий қисмида денгиз бўйидаги Трикомо ва Бўғоз аҳоли пунктларини ўққа тутдилар.

Бугун Англия ҳарбий хизматчиларининг оила аъзоларини Акротири ҳарбий базасидан кўчириш бошланди.

Президент лавозимини бажарувчи Г. Клиридис Кипрга қайтиб келгандан кейин Туркия қўшинларининг ҳужуми муносабати билан мамлакатда юз берган аҳволни муҳокама қилиш учун енсўй ташкилотлар ва касаба союз раҳбарларининг кенгашини чақирди.

БМТ вакилининг хабар беришича ўтган бир кун ичида БМТ қуролли кучларидан 3 киши ўлди ва 21 киши ярадор бўлди.

Бангладеш Республикасида сув тошқини ҳамон давом этмоқда. Табиий офат ҳозир 10 минг квадрат миль территорияни қамраб олди. Айниқса, тошқиндан мамлакатнинг шимоли-шарқ райони катта зарар кўрди. Бу ерда бошоқли экинларнинг 90 проценти нобуд бўлди, ўн минглаб бенгалиялик аҳоли хонадони вайрон бўлди.

Суратда: сув тошқинида қолган қишлоқ оилаларидан бири.

ТАСС фотохроникаси.

ўрганиш ҳеч нимага арзимайди, деб таълим берган эди. Китобда ана шу ленинча қоида ривожлантирилиб, совет кишиларини меҳнатга янгича, коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари чуқур ва ҳар тарафлама баён қилиб берилади. Партия меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш оммавий ҳаракатини қўллаб-қувватлашни, совет кишиларининг ижодий ташаббускорлигини бутун чоралар билан рағбатлантиришни ўзининг вазифаси деб билади.»

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари юксак социалистик онглилик, қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Китобда шонли новаторларимизнинг номлари келтирилиб, илғор коллективларинг, ҳолатда, ўлкалар ва республикаларнинг тажрибаси умумлаштирилади. Партия меҳнатнинг обрўсини юксак кўтариб, меҳнаткашларнинг янги ҳаракатларини ва таташаббуслари аҳамиятини ошириб, меҳнатга ва ижтимоий мулкка коммунистик муносабатда бўлиш ҳар бир ходимга хос фазилат бўлиб қолиши учун интилмоқда.

Китоб социалистик экономикамиз тараққиётининг ҳозирги даражаси, илмий-техника тараққиётининг эришилган натижаси фақат ходимларнинг соф профессионал малакасига нисбатан юксак талаблар қўйибгина қолмай, балки уларнинг меҳнат интизомига, уюшқоқлигига, масъулиятига ва активлигига нисбатан ҳам катта талаблар қўйишига эътиборни қаратади.

Меҳнаткашларнинг меҳнатга ўз мамлакатининг хўжайини сифатида муносабатда бўлишини ҳам, ижодий ташаббускорлиги ва бу ташаббусга ғоят кенг йўл очиб беришни ҳам назарда тутувчи онгли интизом — бизнинг идеалимиздир. "Мана шунинг учун ҳам планлаштиришни, ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишни муттасил яхшилаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни такомиллаштириш муҳимдир. Кишиларни меҳнатга ватанпарварларча ва ижодий муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш учун мунтазам равишда ғоявий-сиёсий иш олиб бориш илғор ишлаб чиқариш тажрибасини, фан ва техниканинг янги ютуқларини рўёбга чиқариш ва пропаганда қилиш муҳимдир. Энг яхши кишилар-ни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб ва рағбатлантириб, дейилади китобда,— коллективларда меҳнат интизомини ва социалистик турмуш қоидаларини бузувчиларга нисбатан муросасизлик вазияти вужудга келишига эришиш керак.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқлари ва мақолаларида ёшларга меҳнат тарбияси бериш, уларни мактаб остонасига қадам қўйган кундан бошлаб меҳнатга жалб этиш зарурлиги масалаларига катта эътибор берилган. Ёш авлодни меҳнатни ленинча тушуниш руҳида тарбиялаш самарали натижалар бермоқда. Китобда комсомолнинг, совет ёшларининг қўриқ ерларда, Сибирь, Узоқ Шимол, Узоқ Шарқда ва мамлакатнинг бошқа районларида меҳнатда кўрсатган қаҳрамонлигининг ёркин мисоллари келтирилган. Партия йигит ва қизларни меҳнатда янги шижоатларга даъват қилади, уларни янги ерларни ўзлаштиришга, замонавий заводлар, электр станциялар қуришга, шаҳарларни ободлаштиришга чақиради. Партиянинг ташаббуси билан ёшлар Байкал-Амур магистралини барпо этишга фаол киришдилар. Партия мамлакатда кенг қулоч ёйган мураббийлик ҳаракатининг ташкилотчиси бўлди.

Шу билан бирга китобда болалар ва ўсмирларга меҳнат тарбияси бериш вазифаларини ҳал этишда комсомолнинг, оиланинг ролини кучайтириш кераклиги уқтириб ўтилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМнинг XVII съездида бундай деди: «Бу давлат аҳамиятига молик катта масала. Ҳамма меҳнаткашларнинг коллективлари, жамоат ташкилотлари, мактаб ва оила бу масаланинг тўғри қўйилишидан ва ҳал этилишидан манфаатдордир. Бу масала миллион-миллион кишиларнинг тақдирига, ҳаттоки мамлакатимизнинг келажагига дахлдор масаладир».

Тўпламда эълон қилинган нутқлар ва мақолаларда аҳлоқ тарбияси проблемаларига катта эътибор берилган. Партия ҳар бир коллективда соғлом аҳлоқ муҳитини яратиш ва уни ривожлантириш, ҳамма жойда кишига нисбатан ғоявий талабчанлик даражасини ошириш вазифасини қўяди. Соғлом аҳлоқ муҳити ижтимоий бурчни юксак даражада англашни, коллективизм ҳис-туйғуларини, социалистик жамиятда яшаш нормалари ва қоидаларига қатиқ риоя этишни, ҳалоллик, тўғрилик, камтарликни, аҳлоқий покизаликни, жамият ва халқнинг манфаатлари бузилишига нисбатан муросасизлик руҳини шакллантиради. Бизнинг коммунистик ахлоқимиз дарҳақиқат, бутун инсоннят яратган аҳлоқнинг инсонпарварлик нормаларини ўзига сингдириб олган ва бу фазилатларни ривожлантирмоқда. Меҳнатсеварлик, ҳалоллик, камтарлик, ўз қадр-қимматини эъзозлаш, ўртоқлик, бир-бирини ҳурмат қилиш — мана шуларнинг ҳаммаси совет кишиси маънавий қиёфасининг ажралмас белгиларидир.

Меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш — партия идеология ишининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Ўртоқ Л. И. Брежнев асарларида меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасидаги вазифалар ҳар тарафлама ва чуқур асослаб берилган, унинг форма ва воситалари баён этилган, барча совет кишиларини умуммиллий ифтихор руҳида тарбиялашнинг муҳим вазифа эканлиги таъкидлаб ўтилган. Китобда тинч социалистик қурилиш йилларида, Улуғ Ватан урушининг даҳшатли кезларида ва ҳозирги улуғвор коммунистик қурилиш даврида совет кишиларининг кўрсатган ватанпарварлиги ёркин тасвирланган. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда уқтириб ўтилганидек, «партия шунга эришдики, интернационализм бир гуруҳ коммунистларнинг идеалидан ҳамма миллат ва элатларга мансуб миллион-миллион совет кишиларининг чуқур эътиқодига ва ҳулқ-атвор нормасига айланди. Ижтимоий онгдаги ана шу чинакам революцион тўнтаришнинг аҳамияти бебаҳодир».

Партия кишиларимизни бундан кейин ҳам совет ватанпарварлиги руҳида, социалистик ватанимиз учун, совет халқининг улуғвор бунёдкорликлари учун фахрланиш руҳида, интернационализм руҳида, миллатчилик, шовинизм ва миллий махдудлик кўринишларига нисбатан муросасизлик руҳида, барча миллатлар ва элатларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Ватанпарвар интернационалистларни тарбиялаб етиштириш — совет кишиларини юксак ҳушёрлик руҳида, социализмнинг улуғ ғалабаларини ҳимоя қилишга ҳамиша шай бўлиб туриш руҳида тарбиялаш демакдир. Бу— совет кишиларини халқларнинг бузилмас қардошлиги, меҳнаткашларнинг синфий бирдамлиги руҳида, эксплуатация ва жабр-зулмга нисбатан нафрат руҳида тарбиялаш демакдир.

Халқимизнинг маънавий ҳаёти совет ҳокимияти йиллари мобайнида кўп даражада бойиди, унинг маданий даражаси юксалди, сиёсий онги ошди. Октябрдан кейин бутун тарихимизнинг бориши партия, совет кишиларини нақадар юксак маънавий-сиёсий фазилатлар руҳида тарбиялаганлигини кўрсатади. «Лекин буларнинг ҳаммасидан, —деб уқтириб ўтади ўртоқ Л. И. Брежнев,— социалистик жамиятимиз олдида турган сиёсий-тарбиявий ва мафкуравий вазифалар ҳал қилиб бўлинди деган маъно келиб чиқмайди. Шу нарса сир эмаски, бизда ўтмишдан сарқит бўлиб қолган, ўз моҳияти жиҳатидан социализмга ёт бўлган социал иллатлар—меҳнатга ҳалол муносабатда бўлмаслик, ландовурлик, интизомсизлик, юлғичлик, социалистик жамиятда яшаш нормаларини турли йўсинда бузиш сингари иллатлатлар кўпинча сезилиб қолмоқда. Бутун жамиятнинг эътиборини ана шу ҳодисаларга қаратишни, халқни шу иллатларга қарши кескин курашишга, уларни бартараф этишга сафарбар қилишни партия ўзининг бурчи деб ҳисоблайди, чунки бундай қилмай туриб, биз коммунизм қура олмаймиз».

Китобда ўтмишнинг сарқитларини тугатиш, буржуа идеологияси ва ахлоқи кўринишлари билан курашиш коммунистик тарбиянинг муҳим таркибий қисми эканлиги уқтириб ўтилади. Асарда ўтмиш сарқитлари билан кураш йўллари тўғрисидаги принципиал қоидалар баён этилган, бу кураш социал-иқтисодий ва ғоявий-тарбиявий воситалар билан ишонтириш ва мажбур этиш методлари билан боғлаб олиб борилиши муҳим эканлиги кўрсатилган.

Оммаанинг ўз сиёсий тажрибаси, меҳнаткашларнинг жамият ишларини бошқаришга амалий иштироки, кишиларни социалистик онглилик, интизом, уюшқоқлик руҳида тарбиялашнинг ҳал қилувчи воситалари. дан биридир. Партия оммаанинг ижтимоий активлигини ҳамма чоралар билан ривожлантирга бориб, уларни ижтимоий ишга кенг жалб этиб, шу билан совет кишиларида ўз коллективининг ва бутун жамиятнинг иши учун юксак сиёсий масъулиятни руҳини, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш, коммунизм қурилишида онгли қатнашиш руҳини тарбиялайди.

3.

В. И. Ленин васиятларига содиқ бўлган бизнинг партиямиз меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни умумпартиявий, умумхалқ иши деб билади. Социализм қурилиши, ҳаётнинг янги шарт-шароити, партиянинг олиб борган кўп қиррали тарбиявий иши совет кишиларида шундай ажойиб фазилатларни камол топдиришга имкон бердики, бу фазилатлар уни илғор идеология ва юксак аҳлоқий принципларнинг соҳиби қилиб қўйди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқлари ва асарлари партиянинг кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги асосий вазифаларини, партия фаолиятини, унинг иш форма ва методларини такомиллаштириш, партия тинч социалистик жамиятда яшаш нормаларини турли йўсинда бузиш сингари иллатлатлар кўпинча сезилиб қолмоқда. Бутун жамиятнинг эътиборини ана шу ҳодисаларга қаратишни, халқни шу иллатларга қарши кескин курашишга, уларни бартараф этишга сафарбар қилишни партия ўзининг бурчи деб ҳисоблайди, чунки бундай қилмай туриб, биз коммунизм қура олмаймиз».

Китобда ўтмишнинг сарқитларини тугатиш, буржуа идеологияси ва ахлоқи кўринишлари билан курашиш коммунистик тарбиянинг муҳим таркибий қисми эканлиги уқтириб ўтилади. Асарда ўтмиш сарқитлари билан кураш йўллари тўғрисидаги принципиал қоидалар баён этилган, бу кураш социал-иқтисодий ва ғоявий-тарбиявий воситалар билан ишонтириш ва мажбур этиш методлари билан боғлаб олиб борилиши муҳим эканлиги кўрсатилган.

Оммаанинг ўз сиёсий тажрибаси, меҳнаткашларнинг жамият ишларини бошқаришга амалий иштироки, кишиларни социалистик онглилик, интизом, уюшқоқлик руҳида тарбиялашнинг ҳал қилувчи воситалари. дан биридир. Партия оммаанинг ижтимоий активлигини ҳамма чоралар билан ривожлантирга бориб, уларни ижтимоий ишга кенг жалб этиб, шу билан совет кишиларида ўз коллективининг ва бутун жамиятнинг иши учун юксак сиёсий масъулиятни руҳини, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш, коммунизм қурилишида онгли қатнашиш руҳини тарбиялайди.

3.

В. И. Ленин васиятларига содиқ бўлган бизнинг партиямиз меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни умумпартиявий, умумхалқ иши деб билади. Социализм қурилиши, ҳаётнинг янги шарт-шароити, партиянинг олиб борган кўп қиррали тарбиявий иши совет кишиларида шундай ажойиб фазилатларни камол топдиришга имкон бердики, бу фазилатлар уни илғор идеология ва юксак аҳлоқий принципларнинг соҳиби қилиб қўйди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқлари ва асарлари партиянинг кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги асосий вазифаларини, партия фаолиятини, унинг иш форма ва методларини такомиллаштириш, партия ташкилотларини ролини ошириш йўлларини белгилаб беради. Партия шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, маънавий бойиши учун инсон ҳаётининг сермазмун бўлиши, унинг фаровонлиги юксалиши учун, аҳлоқий ва жисмоний жиҳатдан борган сари камол топиши учун тобора қулай шарт-шароитлар вужудга келтириш йўлида курашмоқда.

Китоб партиянинг ғоявий-тарбиявий ишларда эга бўлган воситаларининг жуда бой манбанни очиб беради, ҳозирги вақтда меҳнаткашлар депутатлари советлари, касаба союзлари, комсомол, турли жамоат ташкилотлари, ижодий союзлар, маданий оқартув муассасалари партия ташкилотлари раҳбарлигида амалга ошириши лозим бўлган вазифаларни баён қилиб беради.

Китобда ижтимоий фанларни ривожлантиришга, оммани коммунистик руҳда тарбиялаш, буржуа идеологияси ва оппортунизм билан курашда уларнинг ролини оширишга катта эътибор берилган. Бизнинг партиямиз ижтимоий фанларга зўр умидворлик билан қарайди ва уларнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Совет кишисининг дунёқарашини, унинг аҳлоқий эътиқодини, маънавий маданиятини шакллантиришда адабиёт билан санъатнинг роли юксак баҳоланади. Шу билан бирга партия ва халқ коммунистик жамият қурилишини тўла ва кўп қиррали акс эттира оладиган мазмунан чуқур, шаклан ёрқин асарлар яратилишини қутмоқда. Социалистик адабиёт ва санъат жаҳонга порлоқ идеалларни, чинакам инсонпарварлик ахлоқини тарғиб этмоқда.

Оммавий информация ва пропаганда воситалари бўлган газеталар, журналлар, телевидение, радио, информация агентликлари янги инсонни камол топдириш, капитализм дунёси билан мафкуравий кураш олиб бориш каби катта ва мураккаб ишда партиянинг қудратли қуролидир. Партия марказий комитети информация ва пропаганда воситалари қандай ишлаётганлигини мунтазам суратда муҳокама қилиб турмоқда, уларнинг иш сифати яхшиланиши ва аҳоли кенг оммасини тобора кўпроқ қамраб олишига эришмоқда. Бизнинг матбуотимиз, радио, телевиденнемиз мамлакатнинг ички ҳаёти ва халқаро муносабатларга доир совет кишиларини ҳақиқатан ҳам қизиқтираётган актуал проблемаларни янада ҳаққонлик билан ёритишлари, коммунистик қурилишнинг илғор тажрибаларини ёйишга янада яхшироқ кўмаклашишлари, социализм тўғрисида буржуа уйдирмаларига дадиллик ва қатъият билан зарба беришлари, тинчлик, демократик ва социал тараққиёт иши душманларининг кирдикорларини барбод этишлари лозим.

Ғоявий-сиёсий ишларга нисбатан қўйилаётган янги талаблар, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларига комплекс ёндошиш идеология фронтидаги барча ходимларнинг масъулиятини оширади. «Пропагандистларимиз, матбуот, телевидение, радио ходимлари, барча идеология муассасалари ходимларининг воқеаларга нисбатан ҳозиржавоб бўлишларини, информация ишининг бутун қўйилишини жиддий тарзда яхшилашларини, партия сиёсатини чуқур ва далил-исботлар билан тушунтириб беришларини, совет кишиларининг ўсиб бораётган маданий савиясини ҳамда хилма-хил характердаги талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олишларини — ҳуллас, оммани сиёсий жиҳатдан онгли қилиш ленинча санъатини эгаллашларини истар эдик», дейди ўртоқ Л. И. Брежнев.

Асар партиявий, коммунистик пропаганда ленинча санъатини, партия, назарий қоидаларни партия, совет халқи ҳал этаётган бевосита амалий вазифалар билан мустаҳкам боғлаб олиб боришни ўргатади. Китоб марксизм-ленинизм классикларининг назарий меросини, партия ҳужжатларини чуқур эгаллаш, ҳаёт практикасини, партия ташкилотларининг тажрибасини умумлаштириш маҳоратини ўргатади.

* * *

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқлари ва мақолалари, шу жумладан ушбу тўпламга киритилган нутқлар ва мақолалар марксизм-ленинизмни изчиллик билан ва ижодий ривожлантиришнинг, буржуа идеологиясига, ўнг ва «сўл» оппортунизмга қарши ҳормай-толмай ва қатъий кураш олиб боришнинг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади. Бу асар илҳомбахш пропагандистик маҳоратнинг тимсоли бўлиб, халқ оммасини коммунизм қурилиши йўлида янги зафарларга отлантиради.

«Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида» номли асар марксизм-ленинизм тантанасини, коммунизм қураётган совет кишиси маънавий қиёфасининг улуғворлигини, совет социалистик турмуш тарзининг бойлигини чуқур кўрсатиб беради. Бу асар партиянинг идеология ишларини янада юксалтиришга, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўстириш ва тарбиялашга, коммунистик идеалларни барқарор қилишга кўмаклашади.

(«Правда» газетасининг 16 август сонидаги редакцион мақола).

ҒАЗАЛХОН ШОИР

ВОСИТ САЪДУЛЛА 60 ЁШДА

Восит Саъдулла ўзбек совет драматургияси ва ғазал жанрига баракали ҳисса қўшган, қалами қайралган заҳматкаш сўз санъаткорларимиздан.

Восит Саъдулла 1914 йили Андижонда ҳунарманд оиласида дунёга келди. Унинг отаси Саъдулла музика асбоблари ясайдиган моҳир уста эди. Шунингдек, устанинг ўзи ҳам қўйларни яхши чалар, қўшиқ айтар, дўстлари даврасини қизитиб юрар эди. Ёш Восит ҳам санъатга эрта меҳр қўйди. Айниқса, адабиёт ва илмга қизиқди... 1932 йилдан бошлаб ўқитувчилик қилади. Лекин билими билан қаноатланиб қолмай, даврнинг ўқимишли фарзанди бўлишга ҳаракат қилади. У ниятига эришади. 1934 йили педагогика техникумини тугатади. 1940 йили эса Низомий номидаги Тошкент Давлат пединститутини битиради. 1939—1940 йилларда «Ёш куч» журнали ва ёзувчилар Союзида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди.

Восит Саъдулланинг ижодий журналистик фаолияти 1932 йилдан бошланади. У «Ёш Ленинчи», «Шарқ ҳақиқати», «Янги йўл» газеталарида ўз материаллари билан тез-тез иштирок этиб туради. Шеърлари 1934 йилдан бошлаб матбуотда эълон этилади. Шеър ва ғазаллари ўзининг ғоявий бақувватлилиги, реалистик кучи, бадиий жозибадорлиги билан ўқувчиларни сеҳрлайди. Шунинг учун ҳам шоирнинг ғазаллари 1936 йилдан халқ орасида қўшиқ бўлиб янграйди. Шоир ҳанузга қадар севимли ғазал жанрида қалам тебратиб келади. Унинг кўпгина ғазалларига куй басталаган.

Тўйхат ўрнида

Шоирнинг илк тўплами «Яшна» 1939 йили нашр этилади. Шундан бир йил олдин унинг «Янги тўй» номли биринчи музикали драмаси Андижон театрида қўйилади. Драма тамошабинлар томонидан қизғин кутиб олинади. 1942 йилнинг бошларида эса, Султон Жўра билан ҳамкорликда «Ирода» номли иккинчи музикали драмасини ёзади. Драма Улуғ Ватан уруши темасида ёритилган бўлиб, оловли уруш йилларида ҳозиржаволик билан ёзилган асарлардандир.

Восит Саъдулла Улуғ Ватан урушидан кейин, тинч қурилиш йилларида асосан шеърият соҳасида ижод этди. Унинг 1964 йили «Жўр», 1970 йили «Сайқал», 1972 йили «Хуросон юлдузи», 1973 йили «Юз ғазал» китоблари нашр этилди. 1970 йилга келиб яна драматургия жанрида қалам тебрата бошлади. Шу йили драматургнинг «Салтанат ларзада» музикали драмаси Андижон театрида саҳналаштирилди. 1972 йили «Ноилож ҳийла» номли комедиясини ёзиб тугатди. Бу комедия драма ҳам шоир ва драматургнинг 60 йиллиги муносабати билан Андижон театрида саҳналаштирилмоқда.

Ғазалхон шоир Восит Саъдулланинг 60 йиллик тўйи нишонланмоқда. Биз уни қутлуғ ёши билан табриклар эканмиз, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий ишларига катта муваффақиятлар тилаймиз.

КАРВОН ЙЎЛЛАРИ

Сафарим тугамас, йўлдаман мудом,
Умр ўзи йўлдан иборат сафар.
Йўлга кирганимдан то бу дам босган
Йўлларим бўлади қуррага камар.
Йўллар кўп, ҳар бир йўл жон билан йўллаб.
Етказар интилган қўлни қўлларга.
Андижондан тортиб денгизларгача,
Эл бутун, йўл улар йўлни йўлларга.
Йўлсиз одам чиқар одамнийликдан,
Йўл билан одамзод кўради жаҳон.
Минг бор эшитгандан бир кўрган афзал,
Деб учар гиламлар тўқиган инсон.
Юрган дарё... дейди яна халқимиз,
Юрганга не етсин ёруғ дунёда.
Юриб кўриб ёсанг йўл топар дилга
Элга мақбул бўлиб шеър ҳам знёда.
Мени ҳаёт ўзи етаклар йўлга,
Юрганим юргану кўрганим кўрган.
Тушимда ҳам ҳатто ўнгим соясн,
Доим йўлларга шай турганим турган.
Элимда ҳамма йўл пахтазорларга,
Карвон йўлларига туташдир равон.
Бу бойлик ташиган ҳосил йўллари,
Кузда тинимсиздир, кети йўқ карвон.
Ҳосил йўлларида чеҳралар хандон,
Кўриб яшнаб кетар меҳр кўзларим.
Шулар олтин қилган қора чигитни,
Ватанда ардоқли ёруғ юзларим.
Кузги кўрк, тароват берган деҳқоннинг
Юрак ҳарорати, олтин қўллари.
Ҳар тола жилоси — меҳригиёсн;
Зарафшон пахтакор босган йўллари.
Янги йил ҳосилин бугундан кўзлаб,
Пахтакор йўлдадир ниятн улуғ.
Кўз етмас ишларга қўл урмас деҳқон,
Тилаги рўёбга, чиқади тўлиқ.
Жаҳонга туташдир карвон йўллари,
Минг шаҳар мунтазир пахтага ҳар йил.
Йўлларда чарчоғим билинмай кетди,
Деҳқон камолига мен бўлиб қойнл.
Сафарим тугамас, йўлдаман мудом,
Умр ўзи йўлдан иборат сафар.
Йўлга кирганимдан то бу дам босган,
Йўлларим бўлади куррага камар.

Восит САЪДУЛЛА.

Тоғ навоси

Тоғда бўлсанг яйрайди баҳр,
Дард кесардир тоғлар ҳавоси.
Қанот берар бургут қанот қир,
Қанотланар кўнгил навоси.
Гўё тоғмас, мудрар бургутлар,
Парвоз этмоқ истайман бирам...
Мафтун бўлсин қизу йигитлар,
Куйла қалбим, куйла дўмбирам.

А. Абалян фотоэтюди.

Спорт

ТАРИХДА ИЛК МАРТА

Бугун Гаванада тарихда биринчи марта бокс бўйича жаҳон биринчилиги мусобақалари бошланади. Катта ринг даврасида 70 мамлакатнинг «чарм қўлқоп» усталари куч синашишади.

СССР терма командаси сафида Е. Юдин, В. Засипко, Д. Торосян, В. Соломин, С. Казарян, А. Березюк, А. Климанов, Р. Рисқиев, О. Коротаев Е. Горстковлар совет спорти шарафини ҳимоя қиладилар. Запасда В. Львов ва Л. Шапошниковлардир. Бахтга қарши Европа ва Мюнхен олимпадасининг чемпиони В. Лемешчев катта ринг даврасида қатнаша олмайди. Қўли шикастланганлиги туфайли врачлар рухсат беришмади.

Мутахассисларнинг фикрича команда ҳисобида голибликка Куба, СССР, Польша, Румния, Венгрия, Болгария, Уганда мамлакатларининг терма командалари асосий даъвогардирлар.

ШАРАФЛИ ИККИНЧИ ЎРИН

Германия Демократик Республикасида социалистик мамлакатлар ёш енгил атлетикачилари ўзаро мусобақалашдилар. СССР терма командаси сафида тошкентлик спартакчи А. Димов ҳам қатнашди. У 3000 метрга финал югуришда 8.17,2 натижа кўрсатиб маррага иккинчи бўлиб келди. Бу эса катта ёшли спортчилар ўртасида Ўзбекистоннинг янги рекордидир.

МУНОСИБ ҲИССА

Липепая шаҳрида бир неча кун давомида велосипед пойгаси мусобақалари бўлиб ўтди. СССР шахсий-команда учрашувларида кўнгилли спорт жамиятлари Марказий советлари ҳамда идоралар терма командалари қатнашди.

Тўрт километрга команда ҳисобида қувлашма пойгада «Буревестник» терма командаси биринчиликни эгаллади. Студентлар командаси составида иштирок этган тошкентлик В. Юрченко умумкоманда ғалабасига муносиб ҳисса қўшди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ОНА ТИЛАГИ

Ҳовлимиз четида олма
дарахти,
Отам экиб кетган уруш
маҳали.
— Яхши бўлиб берса,
болалар бахти—
Шундай дерди отам.
Эслаймиз ҳали.
У кетгач гул очиб, кирди
мевага,
Ҳар бири анордек қип-қизил,
катта.
Ундан уламаган,
Ундан емаган
Кимса топилмайди
Бизнинг қишлоқда.
Баъзан бошларимни силаб,
дер онам:
— Боғбон бўлмаганга
яраша, эркам,
Сендан ҳам бир нима
қолармн экан?
Ёдга олармикан кўплар
Сени ҳам.

Чўлпон ЭРГАШ.

КЕТАЯПМАН

Кетаяпман кўчада ёлғиз,
Хаёлларим учар сен томон.
Қалбни эзар бегона бир ҳис,
Ўртар менн сирли ва пинҳон.
Кетаяпман кўчада ёлғиз,
Нигоҳимда сенинг
ташвишинг...
Бўй таратар баҳорги ялпиз.
Қулоғимда сенинг товушинг,
Кетаяпман... дилдаги ният —
Тасодифан қарши келдик биз.
Сенда ҳам мендаги кайфнят,
Фақат,
мендек эмасдинг ёлғиз.

Гулчеҳра РАҲИМОВА.

ОМОНАТ КАССАЛАР ИШИ КЎРИГИ

Тўққизинчи беш йилликда белгиланган хўжалик ва маданий вазифаларни ҳал этишда омонат кассалари ҳам муҳим роль ўйнайдилар, улар молия ресурсларининг анчагина қисмини марказлаштириш, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини яхшилашни таъмин этадилар.

Омонат кассалари юбилей йилида самарали меҳнат қилаётирлар. Айниқса, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларидан ортиб қолаётган пулларини омонат кассаларига жалб этишда Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Оржоникидзе, Чиноз, Оҳангарон ва бошқа бир қатор районлардаги омонат касса коллективлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Уларда жамғармаларнинг миқдори деярли бир ярим баравар ўсди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунига мувофиқ Оҳангарон шаҳри марказий омонат кассаси коллективига СССР давлат банки правленеси ва давлат муассасалари ходимлари касаба союзлари Марказий Комитети президиумининг пул мукофоти берилди.

Лекин шу билан бирга омонат кассалари ишини янада ривожлантиришда фойдаланилмай келинаётган резервлар ҳам йўқ эмас. Аҳолига хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш, хўжалик ҳисоботини тўла юритиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш керак. Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети ва касаба союзлари область Совети қарорига мувофиқ шу йил 1 августдан 1 октябрга қадар ўтказиладиган кўрик омонат кассалари ишини янада яхшилаш, биз юқорида айтиб ўтган, резервлардан фойдаланиш, илғор тажрибаларни оммалаштиришда муҳим роль ўйнамоғи керак.

Ҳозирги пайтда барча шаҳар ва районларда ташкил этилган комиссиялар омонат кассалари ишидаги камчиликларни тугатишга қаратилган кенг тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, амалга ошираётирлар.

Ангрен, Бекобод шаҳри, Чиноз районларидаги омонат кассалари коллективлари кўрикка катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар.

Кўрик давомида ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалар қандай бўлиши керак, нималарга эътибор бериш зарур.

Энг аввало аҳолининг пул жамғармаларини омонат кассаларига жалб этишнинг янги форма ва усулларидан фойдаланишга эришиш лозим. Бу гаплар омонат кассалари ишини ривожлантириш савияси талабга тўла жавоб бермаётган шаҳар ва районларга тааллуқлидир. Масалан, Пискент районида ҳар минг аҳолига ҳозирги пайтда 69 счёт тўғри келади. Чирчиқ шаҳрида эса бу рақам 73 ни ташкил этади. Бўка, Янгийўл районларида ҳам омонат кассалари ишига кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган.

Пирик-йирик корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг ишчи — хизматчилари, инженер-техник ходимлари, деҳқонлар ҳамда Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози марказий бўлимининг колхозчилари ўзларининг ойлик маошларини ва даромадларининг бир қисмини омонат кассалари ҳисобига ўтказиб қўядилар. Бу тадбир меҳнаткашлар жамғармаларини сақлашнинг истиқболли усули бўлиб, у кўпгина қулайликларга эгадир. Шунингдек, давлат банки ресурсларини кўпайтириш ва халқ хўжалик вазифаларини бажаришда катта аҳамиятга эгадир.

Аҳолидан квартира, коммунал хизмати, болалар боғча ва яслилари хизмати учун тўланадиган ҳақларни қабул қилиб олишни яхши ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Кўрик даврида омонат кассалари чеклардан фойдаланишни ташкил этиш соҳасида ҳам катта ишларни олиб боришлари лозим. Агар 1971 йилда омонат кассалари 1 миллион 267 минг сўмлик чек ёзиб беришган бўлса, ушбу йилнинг биринчи ярмида 3 миллион 80 минг сўмлик чек берилди. Ҳисоб-китоб қилишнинг бу қулай формасини жорий этиш янада ривожлантирилиши лозим.

Ҳозирги пайтда пул ўтказиш жараёнларини ривожлантиришга, омонат кассалари тармоғини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Омонат кассалари ишининг самарадорлигини ошириш, хўжалик ҳисоботини ривожлантириш, барча миқдорий ва сифат кўрсаткичларни яхшилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир операцияни расмийлаштиришда ниҳоятда аниқликни таъмин этиш зарур.

Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун оммавий тушунтириш, эълон бериш ва ахборот ишларини яхшилаш талаб этилади.

«Энг яхши омонат кассалари», «Коммунистик меҳнат коллективлари» номини олиш учун коллективлар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш лозим.

Область омонат кассаларн жамоат кўригини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳеч шубҳасиз уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборни оширишда муҳим босқич бўлади, зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъмин этади.

С. СОБИРЖОНОВ
Тошкент область давлат меҳнат омонат кассалар бошқармасининг бошлиғи.

ОТ МУАММОСИ

(Ҳажвия)

Феликс ДЕРЕЦКИЙС. (Польша)

Карасяк почта қутисидан чақириқ қоғозини олди-да, диққат билан ўқиб чиқди, кўзларини артди, бироқ яна бир бор ўқиди-ю, ўзини-ўзи тута олмай жуда қаттиқ кулабошлади. Кўшнилари бу кулгунинг сабабини тушиниша олмай ҳаммаси бирданига ташқарига чиқишди, нейин унга афсусланиб қараб туришиб, ақлидан озган кўринади деган фикрда уйларига тарқалишди. Каттиқ кулгуан Карасякни хала тутди ва инграна-инграна эшиги томон жўнади. У чақириқ қоғозини яна бир бор ўқиб чиқди, кўзларини артди, бироқ ундан янги бирор нарса пайқамади, лекин молия бўлими ундан: эудлик билан бу аниқ бўлмаган муаммони аниқлаш учун молия бўлими томон жўнади.

— Бўлмагур гаплар билан менинг бошимни қотирманг. Бизларнинг китобимизда сизнинг отингиз борлиги катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилибди, — деди бўлимнинг референти Карасякка.

— Мен сизни алдамоқчи эмасман, бу англашилмовчилик, — деди Карасяк. Ажабо, бу қанақаси бўлди, ўзим учинчи қаватда яшасам-у, бир хонали квартирада от боқсам!?

— Бу ҳар кимнинг хоҳишига боғлиқ, — деди ҳалиги чуқур маъноли қилиб. Тўлаб қўйишингизни сўрайман, ади-бадига вақтим йўқ.

Карасяк ҳам бўш келмади. Бу ҳодисадан бохабар бўлган ҳамкасблари дўстларининг қизиқ аҳволга тушиб қолганидан ўзларини тўхтатишолмай кулишарди.

У шикоят ёзди, менда от йўқ, ҳеч қачон бўлган эмас деди-да, от масаласини эсидан чиқара бошлаган эди ҳамки, яна иккинчи бор чақириқ қоғози келиб қолди.

Ходимлар Карасякнинг устидан кулишиб, қишга ем-хашак жамғариб қўйиш керак, деб жиғига тегишарди. Карасяк эса борган сари ўзини йўқота бошлади.

У ишдан руҳсат олиб, молия бўлими бошлиғининг олдига кириш учун навбатга ёзилди.

— Тўлашга тўғри келади, — деди бошлиқ. Сиз бизларнинг ҳисобимизда оти борлардан ҳисобланар эксанз, бахтга қарши бирор нарса қилиб бўлмайди.

— Оти йўқ, деб ҳисобланиш учун нима қилиш керак, — сўради Карасяк.

— Сотиб юбориш керак.

— Менда ҳеч қанақа от бўлмаса сизларни жин урсин нимамни сотаман! — деди Карасяк.

— Кечирасиз, менинг қабул вактим тамом бўлди, мажлисга шошилямман, — деди-да бошлиқ ўрнидан турди.

Шундай қилиб Карасякнинг сарсонгарчилик кунлари бошланди. Шикоят ёзди, тушунтирди, ишонтиоди, у ердан бу ерга югурди, лекин натижаси бўлмади. Бирок ҳужжатларга керакли тузатиш кирита оладиган куч йўқ эди. Бунинг устига ҳамма ёққа гап-сўз бўлди ва бир кўнн ҳатто Карасякнинг уйига уйлар комитетидан комиссия келди.

— Нима гап ўзи? — дея сўради Карасяк.

— Уйингизда от асрар эксанз, шу ҳақдаги хабарни эшитдик. Бундай қилиш мумкин эмас-ку!

У комиссияни итара-итара эшикдан чиқариб юбордида, стулга ястаниб ўтириб олди. Бундай аҳволда қайлиғидан ажралиб қолиши мумкинлиги ҳам эсига келмади.

— Е мен, ёки от, — деди хотини ва никоҳ узугини унга қайтариб берди.

Орадан бир йил ўтди, лекин Карасякнинг иши ҳамон ўша-ўшалигича эди. Ҳамиша чақириқ қоғози келар ва ҳар гал ҳам аввалгиларги каби дабдабали дўқ-пўписадан иборат эди. Аммо Карасяк ҳам қўлини ковуштириб ўтирмади. У газета ва журналларнинг редакцияларига шикоят хати ёзар ҳамда турли ташкилотлар ўртасида бўзчининг мокисидай югурарди. Ишни эса мутлако йиғиштириб қўйди, шунинг учун ҳам лавозимлар оширилганида у ўз ўрнида қолаверди. Карасяк жуда ҳаз ўзгариб кетди: илгари у коллективнинг жони-дили эди, ҳозир эса одамлардан қочадиган бўлиб қолди. Унинг дўстларидан бири муҳим ўринни эгаллаб турган бир кишининг қабулига навбат олгин деб маслаҳат берди. Карасяк мувафқиятига ишонмаса ҳам унинг айтганини қилди.

— Бу ҳаддан ташқари бетартиблик, — деди ўша муҳим ўринни эгалловчи, — Карасякнинг гапларини тинглар экан, — биз буни ҳозир хаш-паш дегунча тўғрилаймиз.

Орадан бир дақиқа ўтганидан кейин кабинетга отлари бор одамлар кайд этилган рўйхатни кўтариб референт кириб келди.

— Дарҳол рўйхатингизга ўзгартириш киритинг. Рўйхатни булғовчиларни дарҳол ишдан бўшатиб юбориш керак!, деди муҳим ўринни эгаллаб турган киши.

Карасяк шунчалар тўлқинланиб кетган эдики, унга қандай қилиб миннатдорчилигини билдиришни билмасди. У ўз-ўзини шунчалар енгил сезардики, қўйверасиз гўё елкасидаги тоғ ағдарилиб тушгандай эди.

Карасяк почтага борди-да, у ердаги ҳамма омонатини йиғиб-териб, бозорга жўнади ва от сотиб олди.

Русчадан **Т. УНАБОЕВ** таржимаси.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.50 — ТОШКЕНТ. 9.55 — Янгиликлар. 10.05 — Кўғирчоқ фильм. 10.20 — **Телевизион миниатюралар театри.** 11.00 —МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 17.20—ТОШКЕНТ. 17.25— Концерт. 17.55 — Киножурнал. 18.05 — Ахборот. 18.20 — МОСКВА. 19.15 — ТОШКЕНТ. Тележурнал. 19.45 — Ёзувчиларнинг биринчи Бутуниттифоқ съездига 40 йил тўлди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.25 — Ўзбекистон чорвадори. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. **«Шох Эдип» фильм-спектакли.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — Мультфильм. 11.30— **«Сукунат»** (бадиий фильм). 17.20 — МОСКВА. 17.50— Мультфильмлар. 18.20 — ТОШКЕНТ. **Физкультура ва спорт.** 18.55 — Марина Попович (ҳужжатли фильм). 19.15 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли кино экрани. 23.50 — **Волейбол. Халқаро турнир. СССР — АҚШ.** УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.05 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

18 АВГУСТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25— ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Мультфильм. 10.20 — Ёзувчилар болаларга. 11.00 — МОСКВА. 11.10— Будильник. 11.40 — Мультфильмлар. 15.30 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 16.30 — ТОШКЕНТ. 16.40 — Болалар учун фильм. 17.00 —«Ўйлаб топ». 17.30 — **Бугун — СССР ҳаво Флоти куни.** 17.45 — Ахборот. 18.00 — Ўзбекистон Компартияси тарихи очерклари. 18.20 — МОСКВА. Халқаро панорама. 18.50 — ТОШКЕНТ. **Совет киноси усталари — Раззоқ Ҳамроев.** 20.00 — **Телевизион миниатюралар театри** (такрорий кўрсатув). 20.40— Ахборот. 21.00 — **Оталар сўзи ақлнинг кўзи.** 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. «Илғорлар минбари». 22.40 — Концерт. 23.30 — Ҳужжатли кино экрани. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. Фильм-конерт. 11.30— **Сукунат** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 16.30 — МОСКВА. **Тирик мурда** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 18.20 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик» студияси. Истиқбол эгалари. 18.50 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Киноэкран янгиликлари. 22.20 — Реклама. 22.30 — МОСКВА. **Бокс бўйича жаҳон чемпионати.** УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/VIII да **Бир актли балетлар,** 18/VIII да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/VIII да **Парвоз,** 18/VIII да **Чақмоқ.**

Тошкент область ижроия комитетининг

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЛИМИ

БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИГА

янги ташкил қилинган эмалланган идишлар цехида ишлаш учун ишлаб чиқариш, қурилиш мутахассисликларига эга бўлган ёлғиз эркак ва хотин-қизларни ҳамда ёрдамчи ишчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тошкент областининг шаҳар ва районларидаги шаҳар ва район ижроия комитетларининг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўлими вакилларига, Тошкент шаҳрида Привокзальная кўчаси, 30-уйга учрашилсин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р—12493. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634 А—2611.